

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 4 май, пайшанба №54 (21.817.) Сотувда эркин нархда.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Суратда: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Халқаро валюта жамгармасининг фармойиш берувчи директори Мишель Камдессюни қабул қилди.

Ҳақиқатини таъминлашда Халқаро валюта жамгармаси билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбари суҳбат давомида жаноб Мишель Камдессюни макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, хусусийлаштириш, пул қадрсизланишининг олдини олиш, инфратруктурани яратиш борасида мамлакатда амалга оши-

риллаётган ишлар билан таништирди. Жаноб Мишель Камдессю самимий қабул ва меҳмондустлик учун миннатдорчилик изҳор этди. Инсоний, интеллеktуал ва табиий заҳираларга ғоят бой булган Ўзбекистон халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий сармоядорлар кумаги билан мавjud имкониятлардан оқилона фойдаланиб, янги асрга

ривожланган мамлакатлар қаторида киришига ишонч билдирди. Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири уринбосари Б. Ҳамидов, республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди. Учрашувда Халқаро валюта жамгармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари И. Цалкай ҳозир булди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов ва Халқаро валюта жамгармаси фармойиш берувчи директори Мишель Камдессю маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашиб, уларнинг узаро музокаралар якуналари ҳусусида берган саволларига батафсил жавоб қайтарди. (ЎЗА).

## ДЕПУТАТЛАР ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ЙИГИЛИШИ

3 май куни биринчи чақириқ Олий Мажлис иккинчи сессиясини тайёрлаш ва уни утказиш буйича тузилган депутатлар ишчи гуруҳининг навбатли йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис раисининг уринбосари Б. Бутров олиб борди.

Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари Ч. Абдулов, Б. Эпенов, И. Кочмарик баҳарилган ишлар ҳусусида батафсил ахборот бердилар. Йиғилишда ҳозир булган ишчи гуруҳи аъзолари сессияга тайёргарлик куриш юзасидан белгиланган барча тадбирлар режаси тарзда амалга ошириллаётганини бир овоздан таъкидладилар.

Сессияга тааллуқли қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари депутатларга тарқатилди. Парламент ишига доир бирорта масала ҳам эътиборсиз қолмаслигига эришилди. Сессияда иштирок этиш учун таширф буюрган депутатларга уларнинг самарали ишлари учун зарур қулайликлар яратилди, майиш шарафлари ҳам назорат остига олинди.

Ишчи гуруҳи аъзолари янги бошлаган ишчи якунига етказиш мақсадида, узоқ вақтларни сессия тугагунга қадар давом эттиришларини таъкидладилар. (ЎЗА).

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚҮМИТАСИДА

3 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Асқар Холмуродов бошқарди.

Йиғилишда Президент Ислоом Каримовнинг республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболлигини асосий тамойиллари» ҳақидаги маърузасида уртага қўйилган масалаларни ҳал этиш буйича қўмита олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Юсак маънавият — келажак пойдевори экани, иқтисодий ислохотларнинг янги даврига қадам қўйилган ҳозирги вақтда фан, маданият, маърифат соҳасидаги ишларни, маънавиятимизни юксалтириш вазифаларини ҳам аниқ белгилаб олиш зарурлиги, зеро миллий истиқлол мафқурасининг, маънавий-маърифий қадриятларнинг жамият ва халқ ҳаётида тутган урни беқийсизлиги йиғилишда таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат шухрати» ва «Шон-шараф» орденлари тўғрисидаги мақола, шунингдек, «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга узгартиш киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳаси ҳамда «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарорига узгартишлар киритиш тўғрисидаги масала куриб чиқилди. Депутатлар мазкур ҳужжатларни маққуладилар ва уларни Олий Мажлисининг иккинчи сессияси кун тартибига киритишни тавсия этдилар.

Йиғилишда қўмита фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам куриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Қўмита йиғилишида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг уринбосари Акмалхон Қосимов, республика Бош вазирининг уринбосари Дилбар Гуломова қатнашди. (ЎЗА).

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси эртага, 5 май куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бутун, 4 май куни соат 9 дан 18 га қадар ва эртага, 5 май куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойсидида руйхатга олинади.

## ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Нукусда Қорақалпоғистон фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси якуналари, Президент Ислоом Каримовнинг шу сессияда «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий ис-

тиқболлигини асосий тамойиллари» тўғрисидаги маърузасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олдида қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Республика Жўрқой Кенгеси Раиси У. Аширбеков ана шу ҳақда маъруза қилди.

(ЎЗА).

## Кўнғирок

## ЛОҚАЙДЛИК ПАНД БЕРАДИ

Амударё Қорақалпоғистондагина эмас, бутун Ўзбекистон Республикасида йирик пахтакор туманлардан. Бир пайтлари туманда пахта ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари етиштириш, тайёрлаш режалари барвақт адо этиларди. Кейинги йилларда эса қишлоқ ҳужалик экинларидан олинадиган ҳосилдорлик кескин камийиб кетди.

Хўш, нега туманнинг кўпчилиги ҳужаликларидида утган йили қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларини тайёрлаш режалари барбод бўлди? Сабаби меҳнат интизомига риоя қилинмади. Топширилган ишлар назоратсиз қолди. Йул қўйилган хато ва камчиликларга йу вақтида хотима берилмади. Шунинг оқибатида тумандаги Фарҳод Эрматов етакчилик қилаётган «Мангит» жамоа ҳужалигида, Мадийр Пирманов бошчилик қилаётган «Қипчоқ» жамоа ҳужалигида, Мурод Муханов раислик қилаётган Бердақ номли Мухтор Назарбоев раислик қилаётган Оқубобоев номли, Собир Матқубов раис булган «Ўзбекистон» ва бошқа ҳужаликларда пахта ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш режалари баҳарилмай қолди.

Яна бир ташвишли аҳволни тилга олмасдан иложимиз йўқ. Ҳатто, 80 йилларда М. Горький номли давлат ҳужалигида ҳар йили 17-18,3 минг тонна пахта тайёрла-

нарди. Кейинги йилларда ана шу ҳужалик Й. Ураабоев номли, «Қиличбой», «Туркманистон» жамоа ҳужаликларига булинди. Ачинарлиси, утган йили бу учта ҳужаликда жами бор йўғи 9 минг 471 тонна пахта тайёрланди. Туманда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда ҳам камчиликлар талайгина. Кўпчилик ҳужаликларда ҳар гектар майдондан 3-4 центнердан бугдой янчиб олинди. Умуман туман ҳужаликларидида галлани, айниқса бугдойни кўпроқ етиштиришга аҳамият берилмайтибди. Аҳолининг озиқ-овқатга булган талаб ва эҳтиёжларини қондиришда туман ҳокимияти ва ҳужалик раҳбарлари утган йилги йул қўйилган хатолардан турғи сабоқ чиқариб, қишлоқда туб ислохотларни амалга оширишлари, бу шу куннинг муҳим вазифаси эканлигини ҳис қилишлари зарур.

Мана, қўқлам ҳам утиб борапти. Кўпчилик ҳужаликларда эса экин-тикин ишлари улда-жўлда. Бу сир эмас, чунки ушандай ҳужаликларнинг ҳали техникага қули ҳам тегмаган. Текиришлар шуни қурсатмоқдаки, туман ҳужаликларидида бу ерларни текислаш, қондириб сугориш, маҳаллий уғитлар бериш каби юмушлар вақтида утказилмаган. Айни кунларда ҳам дала ишлари кунгилдагидек эмас. Иш шундай давом этса, лоқайдлик бу йил ҳам панд бериши мумкин.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Самимий табриклар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноби олийларига! Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз зоти олийларига самимий табрикларимни изҳор этмаман. Фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ва ўз номидан сизга саломатлик, бахт-саодат, дуст ва қардош Ўзбекистон халқига тинчлик ҳамда фаровонлик тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ, Туркия Жумҳурияти Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноби олийларига! Қурбон ҳайити муносабати билан Туркия Жумҳурияти ҳукумати ва шахсан ўз номидан самимий табрикларимни, энг эзгу тилакларимни изҳор этмаман.

Тансу ЧИЛПЕР, Туркия жумҳурияти Бош вазири.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан, инсонпарварлик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-банди асосида қарор қиламан:

1. Қуйидаги маҳкумлар озодлиқдан маҳрум қилиш, шунингдек, озодлиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ булмаган жазолардан озоод қилинсинлар: а) Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчилари, шунингдек, Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини барқараф қилишда қатнашган шахслар; б) авллар ва воёга етмаганлар; в) 60 ёшдан ошган эркаклар; г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлари.

2. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг камида ярмини утаб булган шахслар жазодан озоод қилинсин.

3. Биринчи марта қасддан жиноят қилиб, беш йилгача муддатга озоодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг камида ярмини утаб булган шахслар жазодан озоод қилинсин.

4. Мазкур Фармон асосида озоод қилинмайдиган қуйидаги шахсларнинг утаб булинмаган жазо муддати қис-

қартирилсин:

- а) ахлоқ тузаатиш ишларига, қамоққа ҳукм қилинганларнинг, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларнинг қолган муддати — ярмига;
- б) биринчи марта қасддан жиноят қилганлиги учун беш йилгача муддатга озоодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг қолган муддати — учдан бир қисмига;
- в) биринчи марта қасддан жиноят қилганлиги учун беш йилдан ортиқ муддатга озоодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг қолган муддати — тўртдан бир қисмига.

5. Ута оғир жиноятлари учун, уқотар қуроли билан ҳамда гивҳандлик воситаларини сотиш ва утказиш билан боғлиқ жиноятлари учун ҳукм қилинганларга, ута хавфли рецидивистларга, шунингдек, жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан ушбу Фармоннинг 1, 2, 3-моддалари қўлланилмасин.

Фармоннинг 4-моддасига мувофиқ тартиботни ашаддий бузувчиларнинг жазо муддати қисқартирилмасин.

6. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга кириди ва турт ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 3 май.

## ҲАЗРАТ БЕҲБУДИЙНИ ХОТИРЛАБ

Шу кунларда улуг ўзбек маърифатпарвари, Туркистон зиеларининг сардори, деган эҳтиромга сазовор булган Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари таваллуғига 120 йил тулиши муносабати билан мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида турли юбилей тадбирлари утказилмоқда. Яқинда Ўзбекистон социал фалсафа ва миллий маданиятни тиклаш маркази ана шу кутлуг сана муносабати билан миллиятимизнинг маънавий камолоти йулида, миллий истиқбол йулида беқийсиз хизматлар қилган, ўз қарашлари, илгор фикрлари, қурашчан ғоялари учун қора кучлар томонидан ваҳидиена қатл этилган буюк зиелли бобомиз Беҳбудийнинг порлоқ хотираси, улмас руҳи олдида авлодларнинг эҳтиромини ва таъзимини бажо келтириш мақсадида амалий анжуман

уюштирди. Анжуманда фалсафа фанлари доктори, профессор Турғун Саксонбоев, тарих фанлари номзооди, доцент Наим Норкулов, филология фанлари номзоодлари Абдусалом Умаров, Раҳматилла Баракаев, Нормурод Авазов ва бошқалар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёт йули, кенг қамровли ижодий фаолияти ҳақида қизиқарли маърузалар қилидлар.

Анжуман Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Туркистон маорифчилари, зиелларига қарата ёзилган, қалбларига ларзага келтирувчи васиятномасини ўқиб эшиттириш билан якунланди.

Назира ШАКАРОВА, Ўзбекистон социал фалсафа ва миллий маданиятни тиклаш маркази аъзоси.

## ФУСУНҚОР ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ ОЛДИДАН

Тошкент Давлат Аграр университетида Ўзбекистон халқ шоири, халқаро «Нилуфар» мукофоти соҳибдори Зулфия таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадний кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг уринбосари Б. Шодиева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Гуломова, Ўзбекистон халқ шоири, «Саodat» журналининг бош муҳаррири О. Ҳожиёва, академик Э. Юсупов, шу университет ректори Э. Шайхон, шоиранинг шоғирдари, талабалар узларининг дил сузларини изҳор этишди.

Адабиётшунос олим Умарали Норматов Зулфиянинг ижодий фаолияти, шеърият, Ватан ва меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи, халқимизнинг қалбидан аллақачонлар чуқур урин олган шеърлари ҳусусида тухталиб ўтди. Сунг Ўзбекистон халқ ҳофиси Улмас Саиджонов, Ўзбекистонда кизмат қурсатган артист Замира Суюнова узларининг Ҳамид Олимжон ва Зулфия шеърлари билан айтилдиган ашулалари билан анжуман иштирокчиларини хушнуд этди.

Норбек УСАНОВ.

# ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ

Янги-янги техникалар ҳалқимизнинг оғирини енгил, узогини яқин қилмоқда. Албатта, бундай хайрли ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу борда Денов автобус-таксимотор саройи жамоаси ҳақида илқ гапларни айтиш мумкин. Шу кунларда жамоада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Келгусидаги режалар қандай? Корхона директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари Комилжон САПИЕВдан суҳбат ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.



— Утган йилда корхонамиз транспорт хизматидан 128 фоиз даромад қилган бўлса, меҳнат унумдорлиги 126 фоизга етди. Қилинган фойдалан эса ҳалқимиз учун янги рақибдан ортқ янги «ДЭУ» автобуслари, уттизта «Доган» русумли такси сотиб олдик. Янги-янги бекатлар қўрдик. Бундан ташқари, шахримиз йулларини қайта таъмирлашга ҳам уз хиссамизни қўшдик.

Ҳозир мамлакатимизнинг Хоразм, Андижон, Бухоро сингари вилоятлари ва пойтахтимиз Тошкент шаҳри билан автобус қатновини яхши йўлга қўйганмиз.

Яна бир қувончли нарсани шунки, Швейцария билан шартнома тузиб, қўшма корхона очмоқчимиз. Яқин кунларда эса леновликлар Покистон ва Эронга ҳам автобусда боралиш бўлилади.

— Мамлакатимиз тарихида илк бор кўптартиқлилик асосида Ўзбекистон Олий Мажлиси сайловлар ўтказилди. Давлатимизнинг келгуси тараққиёт йўли қўн жўқатилган биз сайлаган депутатларга, ҳалқ ишончини қозongan вакиллarga боғлиқ. Сиз депутат сифатида келажакда шаҳар ва туман аҳолиси турмушини қандай тасаввур қиласиз?

— Депутатлик — бу катта масъулиятдир. 1995—96 йилларда туман ва шаҳарда бир неча замонавий мактаблар қуриш режалаштирилган. Туманимизнинг саккизта хужалигини газлаштириш, Тупаланг дарёсидан ичимлик сувини қувурлар ерламоли олиб келиш асосий вазифалардан деб ўйлайман. Ҳозир шаҳарнинг бир қанча жойлариди қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Деҳқон бозорининг бир қисми эса қайта таъмирланмоқда.

— Мана бир неча йилдирки, «Тошкент — Душанбе» тезо-  
 пар поезди Термизга қатнамоқда. Вилоятнинг Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шўрчи, Денов ва Сариев туманларининг аҳолиси эса Термиздан кейин уз манзилларига бориш учун қийналишмоқда, Наҳотки мана шу муаммони ҳал этиб бўлмас?

— Жула тўғри. Уч йилдирки «Тошкент — Душанбе» тезо-пар поезди Термиздан қайтарди. Бу йулловчиларга катта қийинчиликлар туғдирган. Биз «Ўзбекистон темир йуллари» акционерлик компанияси раҳбарлари билан уттирдик. Яқиндан бошлаб эса поезд Сариевга қатнайдиган бўлди. Бундан ташқари «Сариев» — Тошкент самолети ҳафтада фақат икки марта учарди. «Ўзбекистон хаво йуллари» миллий авиокомпанияси билан самолёт қатновини яхшилаш масаласи ҳам ҳал қилинди.

— XXI аср бўлганда туризмиз. Мамлакатимиз иқтисодиётида, сибсатда, ҳалқимизнинг турмушида туризм-туман ўзгаришлар рўй бермоқда. Сиз мамлакатимизнинг келажакда қандай тасаввур қиласиз?

— Аввало мустақил бўлганимиздан жула фахрланамиз. Истиқлол бизга катта имкониятлар яратди. Мамлакатимизнинг жула кўп жойларида чет элликлар билан қўшма корхоналар, завод-фабрикалар қурилмоқда. Кадрлар масаласида ҳам эътибор қўймоқда. Шундай экан келажакда ишончимиз катта бўлади. Фақат сабуру қаноат, чидам ва сабот бўлса бас.

Суҳбатдош:  
 Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
 «Ўзбекистон овози» мухбири.

# МЕНИНГ ФИКРИМЧА...

Сессияда мамлакатимиз турмушида аҳамияти жаҳатдан бир-биридан қолишмайдиган кўпгина масалалар қўриб чиқилди. Жуладан, Ўзбекистон Республикаси Президентини ваколатларини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги референдум яқунлари ҳақидаги ахборот, Президентининг Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Фармони тасдиқлаш, Республика Олий суди аъзоларини сайлаш тўғрисидаги ва бошқа

## Эртага — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси очилади

масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилиниши кутилапти. Хўш, бу йилги ҳақида, унинг кун тартибига қўйилган масалалар хусусида юрtdошларимизнинг мулоҳазалари қандай?

Абдурашид МЕЛИБОВЕВ, ҳуқуқшунос, ЖИЗЖА вилоят прокуратурасининг коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи:

— Мазкур сессия мамлакатимизнинг келажакдаги беш йиллик ҳаётида катта аҳамият касб этадиган масалаларни қўриб чиқиши билан характерлидир. Бу Олий Мажлис қўмиталари таркиби, Олий суд ва Олий ҳужалик суди таркибларини тасдиқлаш борасидаги масалаларда қуринади. Қолаверса, ҳуқуқий демократик давлатимизнинг қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлис қандай тартибда иш олиб боради, бу мазкур сессияда иккинчи бор муҳокамага қўйилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг мақоми тўғрисида»-ги Қонунда уз аксини топиши керак. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси мамлакатимизда қонунчилик, ҳуқуқ ва бурч муносабатла-

рини янада ривожлантириш сари яна бир қадам бўлади.

Исмом АНОРТОЕВ, ТошДУ ҳуқуқшунослик факультети декани вазифасини бажарувчи:

— Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президент И. Каримов Республикада демократик давлат қуриш қонунларини шакллантиришнинг иккинчи погонасини белгилаб берди. Мамлакат ҳаётининг муҳим соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутадиган қонунларни қабул қилиш, айримларига ўзгартиришлар киритиш ҳам назарда тутилмоқда.

Сессияда 1990 йил октябрда қабул қилинган, иқтисодий ислохотларнинг ядроси бўлган Мулк ҳақидаги, фуқароларга томорқа ер участкаларини умрбод фойдаланиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан хусусий мулк қилиб бериш ҳақидаги қонун ва қарорларга ўзгартиришлар киритиш бўйича лойиҳалар муҳокама қилинади.

Собир ХОЛҲУЖАЕВ, ҳисобчи:

— Очигини айтсам, бўлажак сессиянинг кун тартибига қандай масалалар киритилганидан хабарим йўқ. Аммо, демократиянинг чин намоийши тарзида сайланган депутатларимиз, умуман Олий Мажлис аҳли бир-масалани муҳокама қилишларини жула-жула истардим. Энди касбимдан келиб чиқиб айтишман-да. Даромад солиғи деган нарсани Бунки кўнчилик тушуниши керак. Шу турдаги солиқ илгари ойлик маошга нисбатан қалам ҳақидан анча кам олинар эди. Олдин гонорлар иш ҳақи фондига киритилмасдида. Аслида шундай қолганида ҳам ишқдорлар, ҳам идоралар жамғармалари манфаатдор бўлишарди. Бу эса ижодий ишларнинг сони ва сифати анча ижобий таъсир қиларди... Ҳ. ЭРМАТОВ ёзиб олди.

Инсон учун энг олий муқофот кишилар хотирасида туриш, элнинг назарига тушиш. Шундай инсонлардан бири 1941-1945 йиллар уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси, пойтахтимизнинг «Муқимий» маҳалласи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби Қосим ота Иброҳимовдир.

— Урушнинг номи учин, — деб эслайди отахон. — Унда беш ака-ука қатнашганмиз. Акаларимдан Карим, Аҳмад ҳалок бўлишди. Юсуфжон эса бедарак кетди. Фақат Салим ва мен омон-эсон қайтиб келдик. Душман томонида туру-

## Галабининг 50 йиллигига

# ОТАХОН КОТИБ

миномётлардан ёғдирилган уқ, снаряд Қосим отани ҳам четлаб ўтмади. У аввал Украина, сўнг 2-Белоруссия фронтлари жанглариди оғир жароҳатланди. Аммо, унинг жанговарлик маҳорати Иккинчи жаҳон урушининг биринчи даражаси ордени, «Жасорат» медали ҳамда Қўмондонликнинг бир қанча муқофотлари, эсдалик совғаларига сазовор бўлди.

Урушни Қосим ота Берлин остонасида бўлган жанглар-

да тугатди. Тошкентга қайтиб қарий 30 йил Тошкент тўқимачилик комбинатиди оддий ишчи, директор уринбосари бўлиб ишлади. Отахоннинг 4 фарзанди, 19 нафар навараси, 2 чевараси бор.

Пирю бадавлат отахон сира тиниб тинчмайди. Ўзбекистон ХДП ташкил топган кунданок унга аъзо бўлди. Ташаббус қўратиб маҳаллада партия бошланғич ташкилотини тузди. Ҳозир

Муқимий маҳалла ҳудудий партия ташкилотининг котиби. Қосим ота Президент Фармонлари ва партия қарорларини маҳалладошларига тушунтириб, тарғиб-ташвиқ қилиб боради.

Шавкатбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
 Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими.

## ПЕШКУДА СОҲИБҚИРОН КУНЛАРИ

Буюк саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик ишлари Бухоро вилоятида ҳам бошланиб кетди. Яқинда Пешку туманидаги Афсона кишлоғидаги Ойбек номи урта мактабда улуг бобоқалонимиз руҳи шод этилди. Бу ерда туман ҳокимлиги вилоят «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда «Муқаддас Турон заминининг буюк урғун» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими мудир, тарих фанлари номзоиди Соҳиб Раупов, Бухоро Давлат дорилфунуни доценти Ҳалим Ураев, туман «Маънавият ва маърифат» маркази масъул котиби Рашид Аслонов ва бошқа дорилфунуннинг ҳаёт йули, у ташкил этган буюк давлатнинг қадриятлари, маданияти ҳақида маъруза қилилди.

Шуни таъкидлаш керакки, анжуманининг бу даргоҳда ўтказилиши бежиз эмас. Бунки иштирокчиларга мактаб ўқувчилари томонидан тегишли қўриқларнинг курастисини исботлади. 500 ўқувчи таълим олаётган бу билим даргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган махсус кургазма ҳам ташкил этилган.

Даврон БАҲРОНОВ,  
 «Ўзбекистон овози» мухбири.

**ТАШКИПОТ СОТАДИ**

- Соатиға 70, 100, 150, 200 кппограмм ун ва омйхта ем чикарадиган тегирмонлар;
- ҳўл мева қуритадиган шкафлар;
- 420, 700, 3000 донна тухумга мўлжалланган инкубаторлар;
- товук ва гўшт маҳсулотларини пиширувчи гриль шкафлар;
- сутни қайта ишлайдиган цехлар.

Телефонлар:  
 79-18-30, 79-24-40,  
 79-24-15, 44-47-69, 62-07-91.

**ТАШКЕНТ ПИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ ДИККАТИГА!**

**«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси 1995 йил 7 май кунки Тўқимачилар саройида очиладиган доимий фаолиятда бўлган енгил саноат маҳсулотлари кўрғазмасига**

**ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Сизнинг диккатингизга улгуржи ва чакана нархларда кенг турдаги пахтадан тайёрланган ва ипак газламалар, замонавий кийим-кечаклар, пойабзол, атторлик, пайпоқ ва чинни корхоналарида ишлаб чикарилган маҳсулотлар, тикув иплари

**ТАВСИА ЭТИЛАДИ**

Бундан ташқари, қандай тармоққа қарашли бўлишидан ва мулкчиликнинг қайси шаклида эканлигидан қатъи назар ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларга хом ашё ва материаллар

**ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ**

Баҳоси бозор нархларидан анча арзон!

Кўрғазмада «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг барча хиссадорлик жамиятлари ва корхоналари иштирок этадилар.

Сизларни ҳар кунки соат 900 да қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, Тўқимачилар саройи.

Маълумот учун телефонлар:  
 79-10-53, 79-13-49.

Йўналиш:  
 Бобур номли истироҳат боғи.

## ФЕРМЕРНИНГ ЙЎЛАРИ ХОМ ХАЁЛМАС



ришилган. Суғориладиган галладан 40 — 50 центнердан, лалми майдонлардан эса 20 центнердан ҳосил олиш режаси бор.

— Фермер хужалиғи аъзоларига ишонамиз, — дейди ширкат хужалиғи раиси Акрам Қорасев. — Шунинг учун утган йили хужалиғимиз хисобига 81 гектар лалми ерни унга бердик. Галласини қуриб ҳавас қилдим. Ҳосилни йиғиштириб олишда яқиндан ердан берамиз. Деҳқоннинг етиштирган маҳсулотини нобуд бўлмайд. Ишонаверинг...

Қани энди, Гаффор акага ухшаган кишилар кўп бўлса. Сахий топса бўлиб ер, деганларидек, Гаффор ака ва унинг жамоаси етиштирган маҳсулотининг бир қисмини утган йили кишлоғидаги кишиларга берди. Оиласи ноқор ун хонадонга бепул сомон тарқатилди. Арзон нархда ем-хашак олганлар саховатли фермернинг дуойи жонини қилиб юришибди. Бозор шароитига поғонама-поғона утқилаётган шу дарвара уларнинг олиб бораётган бу ибратли ишларини ким маъқуллашарди, дейсиз!

— Президентимиз хом ашё эмас, тайёр маҳсулот тайерлаш ҳақида куйиниб тагиришти, — дейди Гаффор ака. — Бу биз, фермерларга ҳам тегишлидир. Ахир пишиқчилик пайтида қанчалар-қанча маҳсулотларимиз исроф бўлаётганига тухвоҳиз-ку. Шуларни хисобга олиб биз ҳам маҳсулотимизни қайта ишлашга киришиш, япониялик ширкатлар билан ҳамкорликда тегирмон қуриш ниятидамиз. Тегирмонда хужалиғимизда етиштирилган галлада қайта ишлаб, арзон нархда ҳамқишлоқларимизга сотамиз. Қолбаса цехи қурмоқчимиз. Сутни қайта ишлайдиган муъжазинга корхона қуришни ҳам ўйлашмиш. Унда улуг маҳсулотлар тайерланади. Фермер хужалиғининг тармоқлари кенгайиб бораётган экан, ишчи кучларини ҳам қилишга ҳам туғри келади. Яқинда 5 илчи қабул қилдик. Ҳар бирига ойига 500 сумдан маош берямиз. Бундан ташқари етиштирилган маҳсулотдан уз улурини олади. Энди ишчилар сонини ун нафардан ошириш ниятимиз бор. Бизга асосан сут соғувчилар, молбоқарлар, деҳқонлар керак...

Қалбимизда ерут нур пайдо бўлди. Президентимиз ишбилармонларга, тадбиркорларга, ташаббускорларга ҳам шароитини яратиб бериш ҳақида гамирдик қилаётган экан, бу имкониятлардан амалдорлик билан фойдаланиш дарв тазоросига айланиб қолди. Бу йил Гаффор Туронов бошлиқ фермерлар утган йилга нисбатан маҳсулот тайерлашни икки бараварга қулайтиришмоқчи. Бу режалар хом халэ эмас, аммо замирида қанчалар заҳматли меҳнат етади!

Пардобой ТОЖИБОВЕВ,  
 «Ўзбекистон овози» мухбири.

Гаффор ака уз ташкил қилган фермер хужалиғининг ишлари билан олатадигайди танишиб чиқсиз, уйланиб қолди: буни мустақилликнинг шароити деса бўлади. Илгари шунча молни боқиб қуришчи... «кимдан олдинг, ем-хашакни қаердан уғирлайсан, бир узинг шунча молга қандай қарайсан?»

Ҳозир эса 108 та йирик шохли мол бор. 8 бош йилқиси, гози, говути, трактори, иккита арабиси, қўй-чакилари... Утган йили 57 тонна сут, 5 тонна гуштни шартномачиларига жунади. 49 гектар суғориладиган майдонда 60 тонна галла, юз тонна беда, юз тоғна ут талқони, 3 тонна картошка, 20 тонна помидор, 20 тонна давлагани етиштирди. Бундан ташқари сабзавотнинг ҳамма турларини тайерлади. 40 сотих ерни боғ-роғга айлантирди. Авваллари булганда бу юмушларни бажаришга қанчада 50 — 60 одам жалб этилган бўларди. Лекин ҳозир фермер хужалиғида бор-йўғи 8 нафар киши бор.

Бу фермер асли кишлоқ фарзанди. Жиззах вилояти Галларов тумани Даврон Йўлдошев номи ширкат хужалиғининг «Қашқабуюқ» кишлоғида тузилиб воғна этган. Бир кам олти миш етди. 40 йилни хужаликка бахлида этган. Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорликка ташаббус курастини ва ун рағбатлантириш тўғрисидаги» Фармони чиқсиз, Гаффор аканинг нияти янада еркинлашди.

— Бир ишни бошладикми, охирига етказмасек бўлайди, — дейди у. — Ҳозир иккита молхона, битта чорвалорлар хонамиз бор. 300 тонна галла, ем сакланидиган омборхона қуришга киришдик. Эни 30 метр, буйи 10 метр бу омборхонада ҳамма маҳсулотнинг сифатини беэаслаш сақласа бўлади... Омбор қурилишига кетадиган еғочнинг ҳаммаси умимиздан чиққан. Шу йилнинг узиди яна 10 мишг туп терак утқилдик...

Фермер хужалиғида ерни эъозлашга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, чорва моллари чиқиндиларидан чириган утгит тайерлашга ки-



Даҳшатли уруш кетаётган кунларда Тошкентдаги файзли хонадонлардан бирида тўй бўлиб ўтди. Насриддинбек билан Ҳикоят исмли киз турмуш қуришди. Бироқ, улар бахтиёр дамларни узоқ вақт давом эттириш имконига эга бўлишмади. Насриддинни урушга қорлайди. У эса галабин тезроқ таъминлади, она-юртга сов-омон қайтиш, ёр васлига етиш учун мардонвор жанг қилди. Великс Лукидаги ўқин дивизияга қабул қилинди. Шундан сўнг қўшма жангларда қатнашди. 1945 йилнинг 10 апрелида Польшанинг Кесберг шаҳрини фашистлардан озод этишда жасорат кўрсатди.

Фашистлар устидан галаба қозонилгач, Насриддин Аҳмедов юртига, қалдон хонадонига қайтди. Секки-аста турмуш изига туша бошлади. Ҳаёт фаровонлашди. Насриддин билан Ҳикоят бир-кетин фарзандлар қўришди. Улар етти ўғул-қизининг ота-онаси бўлишди. Насриддин ака ҳалол савдо ҳодими сифатида қўрқ йил самарали меҳнат қилди. Фарзандларини эса замонамизга муносиб, ўқимшли қилиб тарбиялади.

Бутунга кунда салкам етти қарнилаётган Насриддин ота Аҳмедов кексалик тағтини сурмоқда. Унинг фарзандлари, қўлаб навар ва чеваралари атрофида парвоза.

— Мана шундай бахтиёр кунларда ҳаминча юртимиз осмони бегубор бўлсин, — дейди отахон. — Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар вақтинчалик эканлиги кўнчиликка аён. Ахир уруш йилларида бир қоп пулга бир бурда нон топиламан пайтлар бўлган-ку! Шу бонс халқимизга тинчлик тилаб, ёшларимиз ҳеч қачон урушни қўрмасин, дейман.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

**Кишлоқ хўжалиғи**

**ИШ — ИШНИ ТОПАР**

Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик бўлган жойда иш унуми юқори бўлаверади. Бунга биз Учқўрпик туманидаги Наврўз жамоа хужалиғи иш фаолияти билан танишганимизда гувоҳ бўлдик.

— Утган йили қувонарли ютуқларга эришдик, — дейди жамоа бошқаруви раиси Қодирали Ҳолматов. — Бу йил натижалар яхши бўлиши кутилапти. Илгөр

лоғлар аввало жамоа хужалиғи хонадонларига тарқатилди, бир қисми четга сотилмоқда. Яқинда 24 тонна пахта ёғи жамоанин ҳар бир хонадонига ҳам бошига қараб тарқатиб чиқилди. Чет элликлар билан ҳамкорликда ишлашни режалаштириб қуйганмиз. Саудия Арабистони ишбилармонлари би-

лан келиши 50 та тикувчилик машинаси келтирдик. Шу кунларда 5 та тикув машинаси ишламоқда. Тикувчилик цехида эса ҳозирча 10 киши меҳнат қилляпти. Келажакда уни катта бир корхонага айлантириш ниятимиз бор.

Раъно ЮСУПОВА,  
 Фаргона вилояти.

**ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ**

**КЛИНГОН МОСКВАГА САФАР ҚИЛАДИ**

«Президент Билл Клинтон Москвага сафар қиладиган кунни сабрсизлик билан кутмоқда», деди АКШ давлат котиби Уоррен Кристофер Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев билан утказган матбуот анжуманида. Икки мамлакат ташқи ишлар маҳкамаси раҳбарларининг учрашувида Россия Федерацияси ва АКШ Президентларининг 9-10 май кунлари утдиган Олий даражадаги учрашуви масаласи муҳокама этилди.

**РАСМИЙ ТАСДИҚ КУТИЛМОҚДА**

БМТ Хафсизлик Кенгаши Тожикистон ҳукумат делегацияси билан муҳофизат кучлар ўртасида Москвадан Утган учрашулда ўт оқишни тўхтатиш ҳақидаги битим имзолашганининг расмий тасдиғини кутмоқда, деди БМТ БМТ БМТ котиби расмий вакили Жо Силас. Унинг таъкидлашича, ўт очмаслик муддатининг узайтирилиши Тожикистондаги БМТ миссияси ваколат муддатини узайтириш учун жула муҳимдир.

**БИТИМ ИМЗОЛАНДИ**

Украина Президенти Леонид Кучманнинг Чехия Республикасида давлат таширфи ниҳоясига етди. Таширфи давомида икки мамлакат раҳбарлари Украина ва Чехия ўртасидаги дустлик ва ҳамкорлик ҳақида битим имзоладилар.

**ИРОҚДА ЯНГИ НЕФТЬ КЕНИ**

УЗЛАШТИРИЛАЭТИР

Россия Федерацияси ёқили — энергетика вазири Юрий Шпафраник раҳбарлигида давлат делегацияси Ироққа таширфи буюрди. Таширфи давомида Ироқ ҳудудидида икки ириқ нефть қониин биргаликда узлаштириш юзасида ўзаро битим имзоланди. Мамлакатнинг жанубида жойланган мазкур нефть қонларини ишга туширишга, қунига бир миллион баррел нефть қазиб олиш тахмин қилинмоқда.

**ҲАРБЙ МУТАХАССИСЛАР МУВАФАҚКАТИ**

Покистон ҳарбий саноати мутахассислари реактив снарядларни танишининг янги тактиклари тағини тағини ишлаб чиқди. Покистонлик ҳарбий мутахассисларнинг ишбу муваффақияти мамлакат ҳарбий қурашларининг хоризжий қурол-аслаҳага бўлган эҳтижсини қамайтиради, дейилади шу мавзудаги матбуот хабарига.

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ДАВОМ ЭТАДИ**

Болivia эълон қилинган фақулодда вазиет ҳукуматга қарши бузувчилик ҳавфи барҳам томиғунича бекор қилинмайд, деди Президент Говсало Санчес де Лосада. Унинг таъкидлашича, фақулодда вазиет мамлакатда тартибни сақлаш, демократия ва ислохотларни ҳимоя қилиш мақсадида қўлаявлямоқда.

**ХАЛҚАРО АНЖУМАН**

— Халқаро ҳамкорлик учун тинч шароит барпо қилиш ҳозирги пайтда инсоннинг олдида турган муҳим вазифадир. — Австралиянинг Сидней шаҳрида жаҳон маданиятига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда БМТ Бош котиби Бутрос Голэй ана шундай деди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ўзбек феъл

Биз, ўзбекларнинг урф-одатлари, ҳар бир анъанаси эзулик нурули ва туйғуларига қоришиб кетган. Бирор бирор оилада янги инсон дунёга келса, эзгу ният ила: «Илов умри билан берган бўлсин!» деб дуо қилишади. Яхши дуоларга эса фаршталар омин дегусидир.

лиши учун истиқболли йул излади. Ва ниҳоят, маълум муддат сиёсий-иқтисод фани бўйича малакасини ошириб, шу фан талабаларига сабоқ бера бошлади. 60-йилларнинг бошларидан институтнинг «Сиёсий-иқтисод» кафедрасига кўчириб келинган, айни унинг ташкилотчиси ҳисобланган, республикада иқтисод фанининг билимдонларидан бири, профессор Шарофиддин Улмасбоев шогирди Убайдуллиннинг илмий иқтидорини шакллантиришда ва унинг кўчгайратини аниқ мақсадлар сари йўналтиришда беҳимнат эрдан курсатди, меҳр-муруватини дарёғ тутмади. Кейинги йилларда, аниқроғи, 70-йилларнинг урталарида мазкур кафедрага раҳбарлик қилган меҳрибон ва аjoyиб устоз — Ёшларнинг талабчан мураббийси, профессор Комил Юсуповнинг ҳам ёш мутахассис кадрларни тайёрлашда беназир хиз-



ли фаолияти эса гоёят масъуляти, бунинг устига қармови кенг. Фақат шу нарсани қайд этиш жоизки, бир пайтлари «Сиёсий иқтисод» кафедраси эндиликда «Иқтисодий назария» номи ва мақоми билан фаолият курсатмоқда. Ушандан бунён Убайдулла Позилхонов шу кафедрага мудири, кафедранинг 20 дан зиёд аъзосига бош-қош. Жамоада профессорлардан тортиб оддий ўқитувчигача — ҳамма ҳаммаси институт ва талабаларнинг кундалик ҳаётида устивор фаолият курсатилмоқда. Ило, жамоа раҳбарининг ўз таъбири билан айтганда, «Мураббийлик — ҳар қандай замонда олийжаноб иш».

Дарвоқе, «олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», дейди зукко халқимиз. Бизнинг Убайдулла ака эса файзли, баракотли оила — гулшанининг беназир боғбонини ҳамдир. Бу гулшанда Кундузхон оламиз бека. У ва Убайдулла 4 нафар фарзандни навиҳоллардай эъозлаб, парвариллаб вояга етказишгидан бошлари осмонда. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, замонасига монанд қобил фарзандлар. Алишержон, Беҳоджон турли соҳаларда хизмат қилишди. Шаҳнозаҳон билан Дилнозаҳон эса онажониси — Кундуз опанинг изидан боришиб, педагог-тарбиячи бўлишди. Хонадоннинг келинлари, қолаверса кўёвлари ҳам бир-бирдан андоза олгудек. Утган давр мобайнида домланинг қулида таълим олган талабаларнинг саногии йўқ. Улардан Убайдулла ака ҳақида сураганимизда «Устоз ниҳоятда талабчан эдилар» деб эслашди. Худди шу гапни бугунги шогирдлари ҳам такрорлашлари мумкин. Талабчан бўлиш учун эса одам аввало узига нисбатан уша мезонларни кўл қуя билиши керак. Уз касбидан барака топган Убайдулла ака ана шундай инсон.

Абдулла ТУРДИЕВ.

УНУТИЛМАС БАҲОДИРЛИК

Шу кунларда пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Куроли кучлари Марказий музейи аjoyиб зияратгоҳга айланган. Бу маскан узининг беҳисоб ашёлари билан уша оғир кунларнинг суратлар ва ҳужжатларга кўчган тарихий ёрқин лаҳзасидир. Кўни кеча бу ерда 32 жилдан иборат «Хотира» китоблари намойишга қўйилди. Зияратчилар бу ноб ёдгорлик саҳифаларига битилган номлар — мангу қаҳрамонлар жасорати ҳақида фикрлашмоқдалар.

Уруш йилларида барча миллатлар қатори ўзбек халқи ҳам жуда оғир синовдан утганини талқин этувчи маълумотлар ҳозирги давр ёшлари учун унутилмас жасорат ҳикоясидир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда 20 дан ортиқ қисм ва қушилмалар таркиб топди. Бир ярим миллион жангчи фронтга йул олди. Улардан 170 минг киши орден ва медаллар билан мукофотланди. 336 баҳодир уруш қаҳрамони унвони билан тақдирланди. 53 киши «Шуҳрат» орденларининг тулиқ нишондоридир.

И. ОДИЛОВА.

Шахсий фикр

ҚОҒОЗГА ҲАМ ҲАМ ОДАМЛАР

Мен кўп юрман, кузатаман, суҳбатла буламан. Ишга кетаганимда ёки уйга қайтаганимда бекатларда ва автобусларда онахошлар, аёлларни учратаман.

— Холажон, қоронғида нима қилиб юрибсиз? — деб сурайман баъзилардан. Лекин ҳамма вақт дедирди бир хил давоб оламан.

— Болам, қишлоқ советига (қишлоқ фуқаролар йиғини демакче) борувдим. Ишим битмади, одам кўп. Навбат тегмади. Ҳозир ҳамма болаларни ҳужжат тахлайпти ва ҳоказо деган гаплар...

Ана шундан кейин уйлаб қолман. Қишлоқ фуқаролар йиғини 2-3 жамоа ҳужжатли уртасида (15-16 км) жойлашган. Ҳозир ёқилги, автобус масаласи қийин. Қула бир қатнайдик ёки йўқ. Бориб келишга 20-25 сум ҳеч нарса бўлмади. Бунинг устига бирон нарсга ейтиш ҳам керак. Болангизни боғчага ёки мактабга бермоқчи бўлсангиз, анча-мунча ҳужжат лозим. Буларни қачон, қандай қилиб тайёрлаёсан, ҳеч кимнинг иши йўқ. Оралдан 1-2 ой утгач, шу ҳужжатлардан бир нуска халқ таълими ёки ижтимоий таъминот бўлимига ҳам керак экан. Турғилаб келинг, деб хабар қилади. Уйини энди қуриш, ишхонадан жавоб бермайди. Ҳар йили ишхоналардан, турар жойдан маълумотнома, ЗАГС гувоҳномасидан кучирма, болалик ёки боласизлик ҳақида маълумотномалар суралади. Ҳисобни талаб қилади. Кассир ойллик маошининг бермай хуноб қилади, бошлик эса ишдан жавоб бермайди. Охир-оқибат еш болангизни ёки 70 дан ошган онагизни юбориб, юрагингизни ҳовучлаб утирасиз. Шуларни уйлаб қийнаиб кетасан киши, 10-15 та кучирма, 10-15 сумдан, бунинг устига тасдиқлашти ҳам текин эмас. Бугунги узингиз ҳисоблаб олаверинг. Аслида энг асосий ҳужжатимиз ишончлиси — бу паспорт экан. Ахир ушанда ҳар бир бюрократ ўқисин деб, турар-жойи, ниқодан ким билан утганлиги ешилб муҳр ва имзо билан тасдиқлаб қуйилган. Шулардан бир минут ичда қуриб дафтарига езиб қўйса асаки кетаминг?

Элмурод РАҲИМОВ, Навоий вилояти Навбахор тумани.



Кучоғимга сиғиб кет, Дунё!

Абдусаттор Тўраев олган сурат.

Тугаш томирлар АБАЙ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Қозоғистонда 1995 йил Абай йили деб эълон қилинган. Шу муносабат билан республиканинг барча овул, қишлоқ, шаҳарларида қозоқ халқи адабиётини ўтмиш адабиёт билан боғлаган буюқ оқин ижодиға бағишланган учрашувлар ўтказилмоқда. Шундай маросимлардан бири яқинда Жанубий Қозоғистон вилоятидаги туркий ва исломий маданият бешиқларидан бири, қадимий Турбатда бўлиб ўтди. Тантанали кечада Қозоғистон Ёзувчилар уюмчасининг иккинчи котиби Аббос оға Габишев, чимкентлик ўзбек тилида ижод қилаётган адабиёт билан бир қаторда Ўзбекистондан Худойберди Тўхтабоев, Умарали Норматов, Темур Убайдулло, Рауф Толиб каби ундан ортиқ ижодкорлар иштирок этдилар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев туркий халқларнинг буюқ шоири Абай ҳақида гапирар экан, унинг ижоди Қозоғистон кенгликларини, қозоқ халқининг қалбига барча гузалликларини ва туркий халқлардаги улуглиқни қараб олганлигини алоҳида таъкидлади.

Шарофиддин Тўлаганов.

АСРИМИЗ ТЕНГДОШИННИГ ОЛТИМИШГА КИРГАН ЎҒЛИ ҲАҚИДА

да ораддан қанча сувлар оқиб ўтди. Умаровлар хонадони 14 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Оиланинг тунгичи — Абдуҳадд (марҳум, илов руҳи шод бўлсин) шифокорликни шарофлаган бўлса, Абдуҳадд ака деҳқончилик ишларига энг шимариб киришди. Самарали меҳнатлари тўғрисида «Республикада хизмат курсатган қишлоқ хўжалик ходими» бўлди. Ҳозир эса Қирғай тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги. Муҳтабар, Шарофат ва Уктамонлар ҳам халқ ҳужалигининг турли соҳаларида фаолият курсатишди. Сулоланинг нуфузи баланд. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Убайдулла Позилхон ўғли эса ака ва сингилларидан бошқачароқ йўлни — илм йўлини танлади. У 1954 йили 11-урта мактабни муваффақиятли тамомлаб, Қўқурғон туманининг Элтамгаля қишлоғидаги 19-мактабда бир йил муаллимлик қилди. Мактабдаги ана шу бир йиллик фаолият, таъбир жоиз бўлса, унинг орзуларига оидин ишун оқди.

Убайдулла шу йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига талабалikka қабул қилинди. 1960 йилда шу даргоҳни аъло баҳолар билан якунлаган ёш мутахассис устози, тарих фанлари доктори, марҳум Шопулат Абдуллаев тавсиясига кўра институтнинг узида қолиб иш бошлади. Меҳнаткаш оилада тарбия топган эмасми, фаолиятининг илк кунлариданоқ узининг йўна-

мати бор. Зеро, Комил Юсупович кафедра мудирилик даврида тул миллатга мансуб сиёсатчи ва иқтисодчи кадрларни танлаш ва тайёрлашга истиқбол нуктани назардан келиб чиққан ҳолда катта эътибор берилди. Бундай хайрли ишлар кулами бугунги муқталик Ўзбекистонимизда иқтисодчиларни муваффақиятли амалга оширишда янада кўл келмоқда. Убайдулла Позилхон ҳар томонлама етук илм зивиллари даврасида камолот пиллаполларини бир-бир босиб ўтди. Салоҳиятли инсонларнинг гурунгларида иштирок этиб, уларнинг курсатма ва йул-йўриқларига амал қилиб, ишшоолдо, кам бўлмади. У катта жамоада, умуман ҳаётда узининг муносиб ўрнини топди.

Домла институтининг ижтимоий ҳаётида, жамоат ишларида фаол бўлиш билан бирга илмий изланишларини изчил амалга оширди. У 1975 йили «Ўзбекистонда социал-иқтисодий муаммоларнинг халқ қилинишида ижтимоий истеъмол фондларининг роли» мавзусида номзодлик иштини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу давр ичда унинг 30 га яқин илмий мақоалари чоп этилди. Урта мактаб ўқувчилари учун муҳалланган «Иқтисодий назария» кулланмасининг муаллифларидан бири ва бош муҳаррири сифатида ҳам олимнинг меҳнати ва хизмати беизир. Айни чоғда бу кулланма дарслик сифатида чоп этилмоқда. Қўпчилига маълумки, олим «Иқтисодий назария ва ҳозирги замон» китобининг муаллифларидан бири ҳамдир. Институт ҳаётидаги кўп қирра-

Абдулла ТУРДИЕВ.

ЎЗБЕК ШЕЪРИ САРҲАДЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

Туркия Диянат Вақфи томонидан пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом таваллуд тоғдан кун муносабати билан ўтказилган «Кутлуг тўғрисида» халқаро лоирасида турк жумҳуриятлари ва турк улкалари шоирлари орасида муножат ёришмаси (мусобақаси) ўтказилди.

Дуненинг турли улкаларида яшовчи турк тили шоирлар бу беллашувларда қатнашини учун ўз асарларини юбордилар. Танлов ҳаёти қарорига мувофиқ биринчи ўрин ўзбекистонлик шоир Рауф Парфия «Муножат» асари учун берилди. Иккинчи мукофотга ўзбекистонлик шоир Тура Мирзо «Яратганга шир» лоирасида турк жумҳуриятлари ва турк улкалари шоирлари орасида муножат ёришмаси (мусобақаси) ўтказилди.

Қадрият

ФАРҒОНАЛИК ҚОРАҚАЛПОҚЛАР

Қўпчилик билмас керак. Лекин Фарғона водийсида, Сирдарё ёқларида қарақалпоқ миллатига мансуб аҳоли ашайдиган қишлоқ бор. Қорақалпоқлар бу ерга бундан 150 — 200 йил муқаддам келишган. Водийлик қарақалпоқ кексаларнинг ҳикоя қилишларича, Сурхондарё соҳилларидан Марказий Фарғонага келиб қолган қарақалпоқларнинг сардори Бойсарни исми киши бўлган. Яқинда водийдаги шундай жойлардан бири — Езёвон туманидаги Такалик қишлоғи Қарақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳридан бир гурӯҳ меҳмонлар таширғи бўришди. Такалик қишлоғида мингдан ортиқ қарақалпоқ миллатига мансуб кишилар истикомат қилишади. Улар орасида миришкор пахтакорлар, қўли гул боғбонлар, зиёлилар қўлаб топилади. Уларнинг асарияти туман ва вилоят микёсидаги ташкилот, қорхона ва муассасаларда баракали меҳнат қилмоқдалар. «Қорақалпоқфильм» давлат киностудиясининг бош муҳаррири О. Султоннов бошчилигидаги қарақалпоқ маданияти арбоблари Езёвонда меҳмон бўлиб, бу ердаги миллатдошлари ҳаёти билан танишдилар. Фарғона вилоятидаги қарақалпоқлар турмушидан ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм яратиш устида иш бошланди.

И. АЛИШЕРОВ.

...ёрдам сўрайди

ДАРД БОР, ДАРДКАШ ЙЎҚ

Хурматли таҳририят, умидимиз фақат сиздан. Матбуотнинг кучи раҳбарларимизни сал ҳушига келтирса ажаб эмас. Негаки, 4 йилдан бери раҳбарларга айтвариб чарчадик, тапшиқловларга қатъиярғиб вақтимиз ўтди. Бирок, муаммо уша-уша орта ортимоқдалар, асло қаймай йўқ.

Дардга маҳкам истоқчилар: Қ. ТАСИМБЕТОВ, О. БЕРДИБОВ, Ж. ТОЖИБОВ, А. ЕРИМБЕТОВ, И. ОТАЖОНОВ. Қарақалпоғистон Республикаси Ҳўжалик тумани.

Кимга айтмай зоримни ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

Кўп болали онаман. Тўрт нафар ўғлим ва шунча қизим бор. Жарқўрғон туманидаги Н. Боймуродов номида жамоа ҳўжалигининг 5-бригадасида истикомат қилиш билан бирга шу ерда йигирма уч йил ишладим. Ҳозир II гуруҳа ногириман. Бирок шунча йил меҳнат қилиб томорқа участкаси ололмаган. Ж. Нормалиев шу жамоа ҳўжалиғи раис бўлган вақтда ер сўраб ариза берган эдим. Ундан кейин уч ўғлимни уйлантирдим. Ҳатто алоҳида яшашнинг илжои бўлмаганидан катта келимин кетиб ҳам қолди. Бу давр ичда жамоа ҳўжалиғи раҳбарлари бир неча бор ўзгарди. Қизиги шундаки, ҳаммаси ваъда берадими, аммо натижаси бўлмади.

3. НОРМУМИНОВА, ногирон, Сурхондарё вилояти.

Акс-садо КУТУБХОНАЛАРДА ЎЗГАРИШ БУЛАДИМИ?

Туриб-туриб куйиб кетаман-да, нега баъзи болаларимиз китоб ўқимай қуйишди, нега биз катталар бунга эътибор бермаёмиз? Балки ўзимиз зерикарлик китоблар чикараётганимиз, балки китоблар мазмуни болаларга маъқул келмаётганидир, балки мутасадди раҳбарлар кутубхоналари китобхоналарнинг сеvimли масканига айлангани олишмаётганидир?

Куча-қуйда кетаётиб тижорат дўкони экан, деб эшикдан бош суқиб қараймиш, нега энди кутубхонага кириб ўтиришга кўнгил ва ҳарсаламиз етишмайди. Кутубхоналарни шинам, замонавий, китобхон қузиға дарвор ташланадиган биноларда қурмаганимиз учун шундаймикин? Қарға борманг (айрим шаҳар кутубхоналаридан ташқари), бир қанча кутубхоналар қуримсиз, нураб ётган, тор, қоронғу ва зах биноларда жойлашган. Наҳотки, ҳоқимлар, ҳўжалик раҳбарлари кутубхона ҳамма учун зарур эканлигини ҳис қилмасалар? Наҳотки, муқталик мамлакатимиз равнақи ушиб келаятган авлодларимиз қуйда эканлиғи ҳеч кимни қизиқтирмаса? Қизиқ-да, ёш усирини тўхтатиб: «Ойбекнинг қандай асарлари бор?» — десангиз билмаслиғи мумкин-у, — «Мерседес бенч» нима? десангиз бутун тарихини сузлаб беради. Бу нима? Улғимизни унуттишим? Бозор иқтисодиёти таъсирими? Уйлаб қаранг, бизга ҳамма касб эгалари муножат қилишади. Вранча керак бўлган китобларни топиб бериш учун шу соҳа билимларини айтмайсизми? Нима қилиб булса-да, режани бажариш керак. Бажармасангиз 2 та шатдан бирини қишқартириб ташлашади. Ҳам китобхоналарга хизмат қилиш, ҳам турли кечалар уюштириш, ҳам фонд ҳақида уйлаш, лекин ҳеч ким кутубхоначи ҳақида қайғурмайди. Азбаройи касбимни сеvimганидан салкам 25 йил шу соҳада, шундан 20 йил битта кутубхонада ишлаб, сочимға оқ оралади. Мен-ку ҳали кўп ишламадим, 35-40 йил ишлаганлар-чи? Келинлар, кутубхона ва китоб масаласида ҳаммамиз бир бўлиб жон қуйдирайлик. Кутубхоналаримизни шинам ва кенг биноларга жойлаштирайлик. Токи келажак авлод биздан миннатдор бўлсин.

Мукаррамхон ФОЗИЛОВА, Тошкент шаҳар Сирғал тумани Марказий кутубхоналар тизими 6-шохобчасининг катта кутубхоначиси.

Барно Хўжаева.

Ғалабанинг 50 йиллигига

БИЗ ОНА ВАТАНГА ЧИНОР БЎЛГАНМИЗ

Хурматли муҳаррир!

Буюк Ғалабанинг эллик йиллигига бундан ярим аср илгари фашизмга қарши олиб борилган жангларда буюк вақтларда қадрдон газетамизга қоғоз йўқлигидан...

НАЗАРМАТ.

КУТ, ҚАЙТАМАН

Согиниб ёр кутар эмиссан, Гуллар аро очилиб хуснинг. Уни кўрсам дедар эмиссан, Айрилиқдан ёнганда кўсинг.

БЕЛОРУССИЯ ЎРМОНЛАРИДА

Купаланинг севган дёри, Ўрмонларинг-либосинг, хуснинг. Фарзандларинг бурч, эътибори...

Кучоғинда ўлимни топар. Ёвни енгиб шонли Армия, Кучоғинда зафар олмақда...

ЭЪТИҚОД

Биз она Ватанга чинор бўлганмиз, Заминга наврўзи баҳор бўлганмиз. Ёв келса кўкракин этганимиз қалқон, Ватан — учун жангларда тўқдик қанча қон.

Султон АКБАРИЙ ЯРАЛАНГАН ҚЎШИҚЛАР

Оғир яраланган қўшиқларим, Оловларда маъдапдай сараланган қўшиқларим. Гаҳи тўнка, гаҳи тўп хартуми-курси, Кўройдинда шобиб қораланган қўшиқларим.

Қўшиқларим, аскарый қўшиқларим, Навойи навосидин аскарӣ қўшиқларим. Олами фано ила олами бақо аро Жон қўшини талошиб сарсари қўшиқларим.

Қўшиқларим, кўкалдош қўшиқларим, Ун саксиз ё йигирма, ўттиз ёш қўшиқларим. Қирчилламасдан бурун қирчин кетган қирмиз тарз, Мозорлари ҳилолсиз қоракош қўшиқларим.

Қўшиқларим, фидойи қўшиқларим, Маърака оши, хайри худойи қўшиқларим. Арвоҳ хотири учун ис чиқаринг азизлар, Тириқларини ғаминда алойи қўшиқларим.

Қўшиқларим, музаффар қўшиқларим, Оқ тонгламга шукрона кўк саҳар қўшиқларим. Уруш отин изоҳли лугатлардан ўчириб, Тинчлик карвонларига ҳамсафар қўшиқларим.

Дадаҳон ЁҚУБОВ ЎТТИЗ ЕТТИ ЙИГИТ ЭДИЛАР...

УРУШДАН ҚАЙТМАГАН АМАКИЛАРИМ ВА ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ ХОТИРАСИГА

Улар ўттиз етти йигит эдилар... Чиқмаган эдилар қишлоқдан нари. Не топса халпана қилиб ердилар, Ширин орзулар-ла маст эди бари.

Тўйчи Эригитдек неча-неча бор, ДЗОТни ёпдилар шер юрак билан.

Шовуллаб оқарди шўх Қорағунон, Қишлоқнинг бир ёни эди баланд қир. Абдулла кенг қулоч, эди хўп полвон, Юсуфжон жиззаки, ичи тўла сир.

Йиқилар, йигитлар, йиқилар олға! Қўрмаган ўлимдан Алпомиш насли. Гитлер бункерига кирган Максимов — Бизнинг Дилбарали Мақсудов асли.

Қайроқи бугдойлар ўримга кириб, Осуда ўтарди қишлоқда қуилар. Йигитлар маслаҳат қилди тўланиб Бугдойни ўрмоққа ойдинли тунда.

Улар ўттиз етти нафар эдилар... Фақат етти йигит қайтди — мажруҳ жон. Орденли либосига кирган қолдириб, Саф тортиб кетишар мангулик томон.

Улар ўттиз етти нафар эдилар... Тожикул ўроқда ҳоримас—толмас. Абдулла тонгача хирмон кўтарди, Худойназар сира орқада қолмас.

Абдулла қайтмади, бенишон кетди, Усмон ота кўзи тўйди ёшга ҳам. Кўксига орденмас, ўқ билан кетди, Юсуфжон кирмасдан олгини ёшга ҳам.

Навбат етганида унинг ерига Йигитлар тўхтади — ўроқлар тинди. Военком ўқиди, рўйхат — буйруқни, Юксакни кўзлаган қанотлар синди...

Етмишдан ошса-да Тожикул бобо, Ҳамон тушларида жангоҳин кўрар. Худойназар бобо оқон ичидан Бомба узиб кетган қўлин қидириар.

Сталин отага аскар керакмиш, Уруш бовлағаммиш лаънати гирмон. Қишлоқ хувиллади, қайғуда қолди, Кетдилар йигитлар дилларда армон.

Урушлар ҳам ўтди, ўтди кўп замон, Яна қир-адирлар бугдойзор бўлди. Ўттиз етти жондан қолди икковлон Фарзанди Голибжон эллика тўлди.

Улар ўттиз етти нафар эдилар... Дунёни кўрдилар, дунё бир жангоҳ. Гоҳ ўзбек дивизияси бўлдилар, Гоҳи от солдилар танкларга ногоҳ.

Абдулла еттида, беш ёш Юсуфжон Бизларга йўлдошлар Музаффар номлар. Ўттиз етти баҳодир дилларда дoston, Ҳаёт-чун, ҳаётин этиб инъомлар...

Гоҳ Кўчқор Турдиев бўлдилар такрор, Ёвларни янчишди белкурак билан.

Юртимиз озоддир, мустақил Ватан, Тинчликка қурилди мустаҳкам қўрғон. Мард — асл ўғлонлар бир жону бир тан — Мангу оқиб турсин бизнинг Қорағунон.

"МУСТАҚИЛЛИК" ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



Потеря билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тушамлари,

электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмол моллари уйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

Сизга ОМАД ТИЛАЙМИЗ! МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНК, ЖАМҒАРМА БАНКИ, АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКСАВДО, ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР! Ўзбекистон Республикаси "НАВРЎЗ" хайрия жамғармаси "ЎЗТАДБИР-КОРБАНК" Сизни ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ билан ҚИЗГИН ҚУТЛАЙДИ



Шу билан биргаликда уруш қатнашчилари ва фронт орқасида жасорат кўрсатган азиз юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш учун чиқарилган "НАВРЎЗ — 95" хайрия лотереяларини сотиб олишга таклиф этади.

Унда Сизга 1000 сўмдан 1000000 сўмгача ютуқ чиқиши мумкин.

"Ўзтадбиркорбанк" ва "Наврўз" жамғармаси энг кўп лотерея сотиб олган саҳоватли юридик шахсларга байрам туҳфаси сифатида алоҳида имтиёзлар яратиб беради.

Ютуқлар тиражи шу йил 30 май кунини Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Наврўз ва Ғалабанинг 50 йиллиги байрамлари Сиз учун зафарлар айёми бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслидин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шухрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР: Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35. Хатлар ва оммавий ишлар — 33-78-04, 36-54-06. Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19. Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16. Иқтисодий — 33-21-43, 36-57-22. Халқро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16. Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40. Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.